

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.PED.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАХРИДДИНОВА ЛАЙЛО НУРХОНОВНА

**ЎРТА ЁШЛИ АЁЛЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ
ЭЪТИБОРГА ОЛГАН ҲОЛДА ЎТКАЗИЛАДИГАН
СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ МАШҒУЛОТЛАРНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Шахриддинова Лайло Нурхоновна

Ўрта ёшли аёлларнинг функционал ҳолатини эътиборга олган ҳолда
ўтказиладиган соғломлаштирувчи машғулотларни
оптималлаштириш.....3

Шахриддинова Лайло Нурхоновна

Оптимизация тренировочных нагрузок оздоровительных занятий с
женщинами среднего возраста с учетом их функционального
состояния.....27

Shakhriddinova Laylo Nurkhonovna

The optimization of healthcare activities that taking into account the functional
status of middle – aged women49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....53

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАХРИДДИНОВА ЛАЙЛО НУРХОНОВНА

**ЎРТА ЁШЛИ АЁЛЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ
ЭЪТИБОРГА ОЛГАН ҲОЛДА ЎТКАЗИЛАДИГАН
СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ МАШҒУЛОТЛАРНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped156 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасида (www.uz-diti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманходжаев Талъат Саидович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кошбахтиев Ильдар Ахмедович
педагогика фанлари доктори, профессор

Рахимов Владимир Шавкатович

педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail:uzdjtsu @ uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй).

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” _____ кунни тарқатилди.

(2019 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д.Халмухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

С.С.Тажобаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, п.ф.д (DSc)., доцент

Б.Б.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ўрта ёшли аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг функционал, жисмоний ҳолатини яхшилаш юзасидан жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва услубияти соҳаси мутахассислари томонидан илмий изланишлар ўтказилган. Ҳаёт суръатининг тезлашиши, оддий стереотипларнинг ўзгариши, инсон фаолияти жараёнидаги психоэмоционал юктамаларнинг ўсиши - бунинг ҳаммаси ҳаракат фаоллиги етишмаслиги замирида кечиши сабабли машғулоти юктамаларини оптималлаштиришга ва машғулоти жараёнини бошқариш усуллари такомиллаштиришга бўлган янги ёндашувларни излаб топишни тақозо этади.

Дунёда ўрта ёшдаги аёлларнинг функционал ҳолатини эътиборга олган ҳолда уларнинг мослашиш ҳолатини индивидуал диагностика қилиш асосида оптимал жисмоний юктамани танлашга бўлган инновацион ёндашувларни излаб топиш, уларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ўрта ёшли аёлларда соғломлаштирувчи машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш юзасидан илмий изланишлар ўтказилган. 35-45 ёшли аёллар билан ўтказиладиган машғулоти юктамасининг катта кўлами ва гиподинамия мослашиш жараёнларининг зўриқиши ва аҳолининг турли қатламлари, жумладан аёлларнинг саломатлигининг ёмонлашишига таъсир этиш сабаблари аниқланган. Жисмоний юктамаларни инсонлар организмнинг мослашувчан захирасига мос равишда табақалаштириш, ўрта ёшли аёлларни жисмоний ривожлантириш соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спортнинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

Бугунги кунда Республикамизда хотин-қизлар спортини оммавийлаштириш ва ривожлантиришга, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди”¹. Ўрта ёшдаги аёллар соғлиғини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ёрдамида мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахснинг жисмоний ва маънавий баркамоллашуви омили сифатида қаралади. Аҳолининг жисмоний ва маънавий саломатлигининг шиддатли тараққиётини давлатимизнинг ҳозирги ва келгуси авлодлари маданияти ҳамда ҳаёт фаолиятини оширишнинг биринчи даражали аҳамиятга эга омили, давлатимизнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолияти самарадорлиги мезони сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5325-сонли Фармони lex.uz

соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5325-сонли Фармони, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5368-сонли Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта ёшдаги аёллар учун машғулот юктамаларини оптималлаштириш масалаларига янгича ёндашувни излаб топишнинг аҳамияти қатор муаллифлар А.Абдуллаев, Ш.Х.Ханкельдиев, И.А.Грец, Т.В.Курова, В.П.Губа, Л.В.Королева, Е.В.Ершкова, Т.Ф.Абрамова, Квашук П.В ва бошқалар ишларида кўрсатиб ўтилган, чунки ўртача статистик меъёрларга таянадиган жисмоний тарбия соҳасидаги методологик ёндашув илмий билиш йўлида тўсиққа айланмоқда².

Ушбу масалага доир илмий–услубий адабиётларнинг таҳлили (И.В.Антипенкова, И.В.Антипенкова, Ю.А.Илюхина, С.Л.Афанасьев, А.И.Бабрина, В.П.Губа, Л.В.Королева, В.Е.Борилкевич, Я.В.Жигалова, М.М.Колокольцев, С.И.Логинов ва бошқ., Т.С.Лисицкая, С.А.Кувшинникова, Ю.В.Науменко ва бошқ., О.А.Овсяник ва бошқ., И.Рябчиков, Д.В.Чаюн, А.В.Шаравьева, А.П.Шкляренко ва бошқ., Н.Х.Якубова) қуйидагиларни кўрсатади³.

Илмий-услубий адабиётларда тадқиқ қилинаётган мавзу бўйича мослашиш ҳолатини алоҳида индивидуал диагностика қилиш асосида

² А.Абдуллаев., Ш.Х.Ханкельдиев Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти.–Т.: Илмий-техника ахбороти-пресс нашриёти, 2018. – 232 б; И.А. Грец Оздоровительные занятия для женщин зрелого возраста: Методические рекомендации. – Смоленск, 2000. – 43 с; Курова Т.В. Технология занятий оздоровительной гимнастикой с женщинами пожилого возраста сферы умственного труда // ТиПФК ж. – №2. – М., 2013.- С.8-12; Губа В.П., Королева Л.В. Методические особенности развития занятий оздоровительной аэробикой у женщин. Аэробика. – М., 2001.– С.2-5.; Ершкова Е.В. Средства аэробики с использованием упражнений с локальными отягощениями для женщин 21-35 лет // ТиПФК, №12. – М., 2013.- С.15-19.; Абрамова Т.Ф., Квашук П.В. и др. Оценка физического состояния лиц пожилого возраста: Методические рекомендации. – М.: Советский спорт, 2001. – 32 с.

³ Антипенкова И.В. Мотивы, формирующие интерес женщин к занятиям двигательной активностью//Актуальные вопросы оптимизации тренировочного процесса в видах спорта: Меж вуз. сб. научно. трудов. – Смоленск: СГИФК, 2001. – С. 64-69.; Антипенкова И.В., Илюхина Ю.А. Индивидуальный подход к занятиям фитнесом с женщинами среднего возраста с учетом соматических показателей и мотивации // ТиПФК ж. –№7. – М., 2013. –20-24с.; Афанасьев С.Л. Средства физической нагрузки для женщин зрелого возраста с остеохондрозом позвоночника // ТиПФК ж. – №10. – М.,2015. – С.26-30; Бабрина А.И. К вопросу о значении регулярных занятий в группах ж. – №2. – М., 2013.- С.8-12; Губа В.П., Королева Л.В. Методические особенности развития занятий оздоровительной аэробикой у женщин. Аэробика. – М., 2001.– С.2-5.;Борилкевич В.Е. Об индикации понятия «фитнес» // ТиПФК ж. –№2. – М., 2003. – С. 45.;Жигалова Я.В. Гимнастика и пилатес // Физкультура и спорт. –№4. –Т., 2003. –С. 12-14.;Колокольцев М.М. Физическая подготовленность девушек с различной массой тела//ТиПФК ж. –№7. – М., 2018. – С.5.; Логинов С.И., Логинова С.Г., Кинтюхина А.С. Влияние ходьбы с разной скоростью на показатели кардиореспираторной системы людей пожилого возраста в условиях Югорского севера// ТиПФК ж. –№ 1. – М., 2018. – С.89-92.;Лисицкая Т.С., Кувшинникова С.А. Фитнес против старения//ТиПФК ж. – №3. – М., 2016. – С.7-10. Науменко Ю.В., Сахарчук Е.И., Орлан А.С. Система комплексных психофизиологических оздоровительных занятий с женщинами-педагогами 45-55 лет // ТиПФК ж. –№8. – М., 2016.-С.30-34;Овсяник О.А., Фоминова А.Н., Михайловский М.Н., Хамматова Р.С. Социально-психологическая адаптация женщин второго периода взрослости после развода средствами физической активности // ТиПФК ж. –№9. – М., 2017. –С.48-50.; Рябчиков А.И. Фитнес и его место в физической культуре // ТиПФК ж. –№5. – М., 2017. – С.103-104.; Чаюн Д.В. Моделирование соревновательной деятельности в спортивной аэробике // ТиПФК ж. –№ 12. – М., 2017. – С.73-75; Шаравьева А.В. Физическая подготовленность и работоспособность женщин, занимающихся Аква фитнесом // ТиПФК ж. – №3. – М., 2015.-С.14-18;Шкляренко А.П., Коваленко Т.Г., Ульянов Д.А. Обоснование использования средств физической культуры девушками 17–23 лет с различной тяжестью сколиотической болезни // ТиПФК ж. –№7. – М., 2018. 446 с.;Якубова Н.Х. Определение влияния видов оздоровительной аэробики на подготовленность занимающихся // Фан – спорта, –№2. – М., 2004. – С.28-32.

жисмоний юкламаларни оптималлаштиришга бўлган методологик ёндашув ишлаб чиқилмаган. Ундан ташқари, мавжуд адабиётларнинг таҳлили илмий жиҳатдан қайта мулоҳаза қилишни тақозо этувчи мавжуд қарама-қаршилиқларни аниқлаб берди, булар:

- соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва соғлиқни сақлаш ҳамда инновацион технологияларнинг соғломлаштирувчи жисмоний тарбияга сустрас жорий этилиши орасидаги қарама-қаршилиқлар, бу аҳоли кенг қатламининг соғломлаштирувчи жисмоний тарбия машғулотларига қизиқишини фаоллаштиришга имкон бермайди;

- машғулот юкламаларини оптималлаштириш зарурияти ва юкламалар ҳажми ҳамда шиддатини ошириб боришни бошқариш стратегиясининг мавжуд эмаслиги ўртасидаги қарама-қаршилиқ, бу аёлларнинг соғлиғини сақлаб қолишга имкон бермайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган ИТИ режасининг “Жисмоний тарбия ва спортнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, уни янгилаш тактикаси ва стратегияси” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрта ёшли аёлларнинг функционал ҳолатини эътиборга олган ҳолда ўтказиладиган соғломлаштирувчи машғулотларни оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

назария ва амалиётдаги маълумотлар асосида ўрта ёшли аёлларнинг жисмоний тайёргарлигини ва функционал ҳолатини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

соғломлаштирувчи гуруҳларда шуғулланувчи ўрта ёшдаги аёллар жисмоний тайёргарлиги ва функционал ҳолатини аниқлаш;

ўрта ёшли (35-45 ёш) аёлларнинг жисмоний ва функционал тайёргарлигини ривожлантириш учун йўналтирилган стретчинг машғулотлари мажмуаларини ишлаб чиқиш;

35-45 ёшдаги аёллар билан ўтказиладиган стретчинг машғулотлари услубиятининг самарадорлигини тажриба-тадқиқот йўли билан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрта ёшдаги аёллар билан ўтказиладиган соғломлаштириш машғулотлари жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети 35-45 ёшли аёллар билан ўтказиладиган соғломлаштириш стретчинг машғулотлари юкламаларини оптималлаштириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг услублари: илмий ва илмий-услубий адабиётлар таҳлили, амалий тажрибани умумлаштириш, анкета сўровномаси, педагогик назорат, антропометрия, гониометрия, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, математик статистика услублари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

стретчинг машқлари юкламаларининг таъсир қилувчи асосий омиллари (такрорлашлар сони, ташқи юклама, дам олиш оралиғи катталиги, машқ бажариш шиддати, машқлар сони, мажмуа мазмуни, иродавий куч беришлар, бўғимлардаги ҳаракатлар амплитудаси) аниқланган;

турли хил стретчинг машқларидан фойдаланиш асосида ўрта ёшдаги аёлларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолашнинг меъёрий кўрсаткичлари аниқланган;

ўрта ёшли аёллар билан ўтказиладиган соғломлаштириш машғулотларида стретчинг машғулоти юкламаларининг оптимал нисбатлари ишлаб чиқилиб, шуғулланувчи аёлларнинг морфофункционал ҳолатига ижобий таъсири аниқланган;

ўрта ёшдаги аёллар билан ўтказиладиган соғломлаштириш машғулотларида турли хил (статик чўзилтириш, пассив чўзилтириш, динамик чўзилтириш, баллистик чўзилтириш, фаол изоляцияланган чўзилтириш, изометрик чўзилтириш, проприоцептив асаб-мушакни чўзилтириш,) стретчинг машқларини уйғунлаштирган ҳолда қўллаш услубияти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган машғулоти услубияти ўрта ёшли аёлларнинг соғломлаштириш машғулотларига бўлган муносабатини яхшилаб, стретчинг машқлари ёрдамида соғломлаштириш йўналишидаги машғулотларнинг натижадорлигини оширган;

ўрта ёшли аёлларнинг жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда улар машғулотларида турли хил стретчинг машқларини қўллаш услубияти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мазкур тадқиқот натижалари ишончли ҳисобланади, олинган натижалар назарий-услубий базага асосланган, илмий тадқиқотларнинг мантикий изчиллиги, услубларнинг тадқиқот мақсади ва вазифаларига мувофиқлиги, илмий-услубий адабиётларнинг етарлича ҳажми ва репрезентативлиги, олинган маълумотларнинг компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда тўғри ишлаб чиқилганлиги билан таъминланган. Ўтказилган эмпирик тадқиқотлар таҳлили натижалари ватанимиз ва хорижий олимларнинг тажриба маълумотлари билан таққосланган. Диссертацияда келтирилган таклифлар ва амалий тавсияларнинг ишончлилиги жисмоний тарбия назарияси ҳамда услубиятининг концептуал муаммоларини ҳал этиш зарурияти билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда университетларнинг жисмоний маданият факультетлари талабалари ва малака ошириш марказлари тингловчилари учун маъруза материални тайёрлашда фойдаланилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти жисмоний тарбияда соғломлаштирувчи технологияларни қўллаш муаммолари бўйича ўқув-услубий адабиёт тайёрлашда ҳам қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта ёшли аёлларнинг функционал ҳолатини эътиборга олган ҳолда соғломлаштирувчи машғулотларни оптималлаштириш юзасидан ўтказилган тажрибалар асосида:

ўрта ёшли аёлларнинг жисмоний тайёргарлиги ва функционал ҳолатини эътиборга олган ҳолда машғулотлар юкламалари оптималлаштирилиб Навоий шаҳридаги “Навоий-Азот” очик акционерлик жамиятига қарашли “Ширин” маданият саройининг соғломлаштириш марказида шуғулланувчи аёлларнинг машғулотлари жараёнида комплекс тарзда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3113-сон маълумотномаси). Натижада тажриба гуруҳи шуғулланувчи ўрта ёшли аёлларнинг тезлик сифатини 6,6-8,7% га оширишга имкон берган;

соғломлаштирувчи стретчинг машқларни қўллаш методикаси такомиллаштирилиб Навоий шаҳридаги “Навоий-Азот” очик акционерлик жамиятига қарашли “Ширин” маданият саройининг соғломлаштириш марказида шуғулланувчи ўрта ёшли аёллар машғулотларида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3113-сон маълумотномаси). Натижада ўрта ёшли аёлларнинг куч сифатини 5,2-7,2% га оширишга имкон берган;

ўрта ёшли аёллар организмнинг фуқционал ҳолатини эътиборга олган ҳолда улар билан ўтказиладиган машғулотларнинг юкламалари оптималлаштирилиб Навоий шаҳридаги “Навоий-Азот” очик акционерлик жамиятига қарашли “Ширин” маданият саройининг соғломлаштириш марказида ўрта ёшли аёллар билан ўтказиладиган машғулотларда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3113-сон маълумотномаси). Натижада ўрта ёшли аёлларнинг чаққонлик сифатини 11,5-13,6% га оширишга имкон берган;

турли хил стретчинг машқларидан фойдаланиш асосида ўрта ёшдаги аёлларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолашнинг меъёрий кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, Навоий шаҳридаги “Навоий-Азот” очик акционерлик жамиятига қарашли “Ширин” маданият саройининг соғломлаштириш марказида шуғулланувчи ўрта ёшли аёллар машғулотларида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3113-сон маълумотномаси). Натижада ўрта ёшли аёлларнинг буғимлар ҳаракатчанлиги 10-13% га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси

бўйича жами 33 та илмий-услугий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 3 та мақола [2 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда] чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, тўрт бобдан иборат. 123 саҳифа матн, 10 та расм, 16 та жадвал, хотима, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблилиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, вазибалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертация тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Ўрганилаётган муаммо юзасидан илмий – услубий адабиётлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида аёллар ўртасида соғломлаштирувчи жисмоний тарбия, ўрта ёшли аёллар организмнинг ёшга хос хусусиятлари, аёллар организмнинг машғулот юктамаларига реакция қилиш хусусиятлари, аёлларнинг ҳаётида жисмоний машқларнинг аҳамияти, 35-45 ёшли аёлларнинг соғломлаштириш машғулотларида аэроб йўналишдаги машқлар, соғломлаштириш машғулотларида куч йўналишидаги машқларнинг қўлланилиши, соғломлаштириш машғулотларида эгилувчанликни ривожлантиришга қаратилган стретчинг машқлари, аёллар организмнинг куч, тезкор-куч ва анаэроб имкониятлари, аёллар машғулотлари жараёнида стретчинг машқларининг қўлланилиш хусусиятлари, стретчинг машқлари ёрдамида соғломлаштириш йўналишидаги мажмуавий машғулотлар услублари ва машғулотнинг самарадорлик хусусиятлари баён этилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётларнинг илмий-услугий таҳлили шуни кўрсатдики, соғломлаштирувчи жисмоний тарбия соғлом турмуш тарзининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Адабиёт манбалари таҳлили стретчинг машқлари ёрдамида кумулятив соғломлаштирувчи самарага эришишни таъминловчи жисмоний фаолликнинг адекват режимларини инобатга олган ҳолда мажмуавий машғулотлар технологияларининг етарлича илмий-услугий ишлаб чиқилмаганлигини аниқлаб берди.

Стретчинг машқлари ёрдамида соғломлаштириш машғулоти технологияси организмнинг доимо ўзгариб турувчи ташқи ва ички муҳит шароитларига мослашиш назарияси қонунлари, соғломлаштириш машғулотларини тузишнинг услубий тамойилларини ҳисобга олиш ўрта ёшдаги аёллар саломатлик ҳолатининг дастлабки даражасини баҳолаш асосида ишлаб чиқиши керак. Ушбу ёшдаги аёллар организмда турли хил ўзгаришлар пайдо бўлиши сабабли, жисмоний сифатларни яхшилаш бўйича таъсирчан умумий соғломлаштириш услубларини излаб топишни давом эттириш зарур. Бу ўрта ёшдаги аёлларнинг ҳар томонлама жисмоний тайёргарликларини таъминлашга ва соғломлаштириш машғулотларини янада яхшилаш учун зарур асос ишлаб чиқишга ёрдам берган бўлар эди.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўрта ёшдаги аёллар билан соғломлаштириш машғулотларини такомиллаштириш муаммоси чуқур тажрибавий ишланмаларга муҳтож. Бу ёшдаги аёлларда жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражасини аниқлаш, бу сифатларни тарбиялашнинг самарали восита ва услубларини асослаб бериш; машғулотларда турли хил стретчинг машқларидан фойдаланган ҳолда йўл қўйиладиган соғломлаштирувчи машғулот юкламаларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг мақсади организмни ҳар томонлама ривожлантириш, уни турли хил жисмоний ва ақлий юкламалардан, толиққандан сўнг тиклаш, соғлиқ ва аёллик жозибасини, ижобий эмоционал ҳолатни сақлаб қолишдан иборат.

Йиллар ўтган сари аёлларда қуйидаги ўзгаришлар рўй беради: ўпка фаолиятининг самараси, мушаклар кучи пасаяди, суяклар вазни камаяди, ҳар 10 йилда эгилувчанлик ва суякларнинг мустаҳкамлиги камайиб боради, мушак ва суякларга нисбатан ёғнинг миқдори кўпайиб боради. 20 ёшда аёл танасининг гавдаси умумий вазнига нисбатан ўртача 16,5% ни мушак тўқимаси, 47% ни бириктирувчи тўқималар ва ички органлар, 10% ни суяк тўқимаси ва 26,5% ни ёғлар ташкил этади.

Ёш ўтиши билан аёлларда мушак тўқимаси ҳам ўзгаради: хужайралар сони камаяди, уларнинг атрофияси кузатилади, ёғ хужайралари ва бириктирувчи тўқималар сони ортади. Натижада, мушак толаларининг қисқарувчанлиги пасаяди, уларнинг чўзилувчанлиги йўқолади. Бироқ стретчинг машқлари ёрдамида бу ўзгаришларнинг кўп жиҳатдан олдини олиш ҳамда уларни камайтириш мумкин.

Кўп йиллик тадқиқотлар жисмоний тарбия–соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчи ўрта ёшдаги шахсларнинг функционал ҳолати динамикаси қонуниятларини аниқлашга имкон берди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, “саломатлик гуруҳларида” ги мунтазам фойдаланиладиган машғулотлар, қўлланиладиган жисмоний тарбия машқлари ва услубларидан қатъи назар, ўрта ёшдаги деярли соғлом инсонларнинг функционал ҳолатида ижобий ўзгаришларга олиб келади. Бундай инсонларда ўзини ҳис қилиш яхшиланади, юқори кайфият кузатилади, ўта толиқишдан шикоят қилиш,

турли даражадаги оғриқли сезгилар камаяди.

Диссертациянинг “Тадқиқотнинг услублари ва ташкил қилиниши” деб номланган иккинчи бобида илмий – услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик назорат, антропометрия, гониометрия, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, математик статистика услуби, тадқиқотнинг ташкил қилинишида уларни қўллаш услубияти ва шартлари батафсил ёритилган.

Педагогик тажрибани ташкил қилиш ва ўтказиш муддатлари, тадқиқотларда иштирок этган назорат (НГ) ва тажриба гуруҳлари (ТГ), тадқиқот ўтказиш услубияти ва шартлари батафсил ёритилган.


Диссертациянинг “Стретчинг машқларидан фойдаланган ҳолда ўрта ёшдаги аёллар (35-45 ёш) билан соғломлаштириш йўналишидаги машғулот юкламаларини тузиш” деб номланган учинчи бобида анкета сўровномаси ёрдамида ўрта ёшдаги аёллар билан стретчинг машқларидан фойдаланишнинг таҳлили, стретчинг машқларидан фойдаланган ҳолда соғломлаштириш машғулотлари услубиятини ишлаб чиқиш, соғломлаштирувчи стретчинг машқлари, стретчинг машқларининг турлари ва машғулот жараёнида уларни қўллаш услубияти, турли хил стретчинг машқларига ўргатиш услубияти, турли мушак гуруҳлари учун стретчинг машқлари мажмуаси, кўкрак ва қорин мушаклари учун стретчинг машқлари мажмуаси, қўллар ва оёқлар мушаклари учун стретчинг машқлари мажмуаси, бўйин ва орқа мушаклари учун стретчинг машқлари мажмуаси, елка камари учун стретчинг машқлари мажмуаси, стретчинг машқларидан фойдаланишда машғулот юкламаларига қўйиладиган асосий талаблар юзасидан маълумотлар келтирилган.

Тасдиқловчи тажрибанинг мақсади ўрта ёшдаги аёллар билан уларнинг функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда соғломлаштириш йўналишидаги машғулот юкламаларини оптималлаштириш учун турли хил стретчинг машқларини қўллаш самарадорлигини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш эди (1.расмга қаранг).

Сўровноманинг блокларидан бири аёлларнинг спорт машғулотларига жалб қилинганлигини аниқлашга йўналтирилган эди. Эътироф этиш жоизки, сўров натижаларига кўра, спорт билан респондентларнинг 28,6% шуғулланади ва 71,4% турли хил сабабларга кўра спорт билан шуғулланмайди.

Шундай қилиб, у ёки бу сабабларга кўра спорт билан шуғулланмайдиган респондентлар сони кўпроқ. Бу, албатта, шу билан тушунтириладики, респондентлар – бу ўрта ёшдаги аёллар бўлиб, уларнинг кўп қисми - оилали. Бироқ охириги йилларда спортга бўлган қизиқиш яна тикланмоқда. Бу етакчи спорт телеканалларининг спорт ва соғлом турмуш тарзини оммалаштирувчи кўрсатувлари эвазига жамиятнинг, аҳоли менталитетининг қайта тикланиш жараёнлари билан боғлиқ.

Спорт билан шуғулланиш



1.расм. Респондентларнинг спорт билан шуғулланишлари, сўралувчиларга нисбатан % да

Стретчинг машқи – бу махсус ҳолатлар бўлиб, мушаклар узунлигини ошириш ва уларни кейинчалик сақлаб қолишга мўлжалланган. Бу машқлар пайларни узайтиради, бўғимларни қиздиради ва бўғимларни ҳаракат амалларини бажаришга тайёрлайди. Стретчинг машқларини тўғри қўллаш натижасида биз қуйидагиларни кутишимиз мумкин: 1) бутун тананинг кўшимча эгилувчанлиги; 2) зўриқиш ва қаттиқликни бўшаштириш; 3) мушаклар реакциясини, шунингдек, уларнинг спорт ва ҳаётдаги имкониятларини яхшилаш; 4) кундалик ҳаётда ва фаол дам олиш вақтида координация ва чакқонликни яхшилаш; 5) қон босими ва юрак-қон томир тизими хасталикларини камайтириш; 6) қон айланишини яхшилаш, бу инсон скелетининг барча таркибий қисмларини қўллаб-қувватлайдиган мушакларни кислород ва бошқа озучавий моддалар билан яхшироқ таъминлашга имкон беради; 7) мушак тўқимасидан чиқиндиларни (сут кислотаси, азот, ҳужайра чиқиндилари) тезроқ чиқариб ташлаш; 8) тоғайдаги бўғимларга ва умуртқа поғонасидаги дискларга юкламанинг тушишини камайтириш, бу уларнинг емирилишида артрит жараёнини сусайтиради; 9) кўпинча турли хил артрит шароитлари кузатиладиган шамоллаш ва бўғимлардаги оғриқларни камайтириш; 10) асаб тизимига юкламани пасайтириш; 11) умумий ҳолатни яхшилаш ва саломатлик ҳиссининг пайдо бўлиши.

Ҳозирги кунда стретчинг машқларининг 7 (етти) тури мавжуд: 1) статик чўзилтириш (Static Stretching); 2) пассив чўзилтириш (Passive Stretching); 3) динамик чўзилтириш (Dynamic Stretching); 4) баллистик чўзилтириш (Ballistic Stretching); 5) фаол изоляцияланган чўзилтириш (Active Isolated Stretching); 6) изометрик чўзилтириш (Isometric Stretching); 7) проприоцептив асаб-мушакларни чўзилтириш (Proprioceptive Neuromuscular Facilitation).

Стретчинг машқларининг турли хил турларини таҳлил қилиш асосида биз томонимиздан ўрта ёшдаги аёлларнинг машғулотлар жараёнида

стретчинг машқларини қўллаш схемаси ишлаб чиқилди. 2. схемадан кўриниб турибдики, етти турдаги стретчинг машқлари оддийдан мураккабга томон тамойилига асосланиб икки босқичга бўлинди.

Турли хил стретчинг машқларини қўллаш услубиятини тузишда биз стретчинг билан шуғулланганда жисмоний юкламага таъсир қилувчи асосий омилларни аниқладик: такрорлашлар сони, ташқи юклама, дам олиш оралиғи катталиги, машқ бажариш шиддати, машқлар сони, мажмуа мазмуни, иродавий куч беришлар, бўғимлардаги ҳаракатлар амплитудаси (2.расмга қаранг).



2.расм. Стретчинг билан шуғулланишда жисмоний юкламага таъсир қилувчи асосий омиллар

Биринчи босқичда шуғулланувчилар кўпроқ енгилроқ гуруҳдаги стретчинг машқларини бажаришди. Булар: статик, пассив ва динамик. Иккинчи босқичда шуғулланувчилар қуйидаги гуруҳлардан мураккаб машқларни бажаришди: баллистик, фаол изоляцияланган чўзилтириш, изометрик ва проприоцептив асаб-мушакларни чўзилтириш.

Турли хил стретчинг машқларини бажаришда белгиловчи омиллар ҳам аниқланди: 1) анатомик; 2) мушаклар тонусининг марказий асаб бошқаруви; 3) антагонист мушакларнинг зўриқиши; 4) мушаклараро координациянинг мукамаллик даражаси; 5) организмнинг айна пайтдаги функционал ҳолати. Таклиф этилаётган схемада стретчинг машқларининг кетма-кетлиги келтирилган. Бу бўйин ва орқа мушаклари, қўл ва оёқлар мушаклари, кўкрак мушаклари ва қорин мушаклари учун машқлардир.

Мажмуавий текшириш ёрдамида 35–45 ёшли аёлларнинг дастлабки кўрсаткичлари даражаси аниқланди. 35-45 ёшли аёлларнинг ва 16–18 ёшли қизларнинг натижалари солиштирилганда бўғимлар ҳаракатчанлиги камайиши аниқланди. Бу ёшда бўғимлар ҳаракатчанлиги пасайиши ҳисобига турли хил касалликлар пайдо бўлиши мумкин (1.жадвалга қаранг).

**Тажриба бошида ўрта ёшли аёлларда бўғимлар ҳаракатчанлиги
натижалари (n=30)**

Т/р	Бўғимлар	Ҳаракатлар	35–45 ёшли	18-20 ёшли
1.	Бўйин- умуртқа поғонаси	Чапга бурилиш	75 ⁰ ±3,4 ⁰	85 ⁰ ±2,6 ⁰
2.		Ўнгга бурилиш	70 ⁰ ±3,6 ⁰	86 ⁰ ±2,4 ⁰
3.	Елка бўғимлари	Елкани яқинлаштириш	100 ⁰ ±6,6 ⁰	120 ⁰ ±5,2 ⁰
4.		Елкани узоқлаштириш	10 ⁰ ±8,0 ⁰	16 ⁰ ±1,2 ⁰
5.	Тос-сон бўғими (шпагат)	Чап оёқ	95 ⁰ ±18,4 ⁰	120 ⁰ ±20,4 ⁰
6.		Ўнг оёқ	100 ⁰ ±20,2 ⁰	140 ⁰ ±18,4 ⁰
7.		Кўндаланг	100 ⁰ ±18,6 ⁰	120 ⁰ ±21,2 ⁰
8.	Умуртқа поғонаси	Олдинга эгилиш	47 ⁰ ±8,8 ⁰	66 ⁰ ±7,2 ⁰
9.		Орқага эгилиш	28 ⁰ ±3,2 ⁰	34 ⁰ ±6,2 ⁰
10.	Кафт-билак бўғими	Букиш	78 ⁰ ±2,8 ⁰	83 ⁰ ±2,4 ⁰
11.		Ёзиш	58 ⁰ ±2,2 ⁰	68 ⁰ ±2,2 ⁰
12.	Болдир-панжа бўғими	Букиш	15 ⁰ ±2,6 ⁰	16 ⁰ ±2,4 ⁰
13.		Ёзиш	34 ⁰ ±6,6 ⁰	68 ⁰ ±5,2 ⁰

35–45 ёшли аёлларни ва 18–20 ёшли қизларни кўрсаткичлари асосида куйидагиларни хулоса қилиш мумкин: аёлларнинг бўғимлар ҳаракатчанлиги кўрсаткичлари куйидаги натижалар билан тавсифланади. Бўғимлар ҳаракатчанлигини ривожлантириш учун алоҳида машқларни бажариш лозим.

Ўтказилган социологик изланишлар аёлларда стретчинг билан шуғулланиш хоҳиши борлигини кўрсатди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, респондентларнинг аксарияти жисмоний машқлар билан шуғулланмайди, жисмоний тарбия ва спорт воситалари турлари тўғрисида ҳамда соғлиқни сақлаш ва касалликларни олдини олишда ҳаракат фаолияти, бўғимлар ҳаракатчанлигининг аҳамияти тўғрисида маълумотга эга эмас.

Юқорида келтирилган далиллар жисмоний тарбия машқлари билан мунтазам равишда шуғулланиш зарурлигини асослаб беради.

Ўрта ёшдаги аёлларнинг тажриба ва назорат гуруҳларида жисмоний ривожланиш ва саломатлик ҳолати кўрсаткичлари тажрибанинг бошида барча кўрсаткичлар бўйича сезиларли даражада фарқ қилмади, бу икки гуруҳнинг ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича тахминан бир-бирига ўхшашлигини кўрсатади. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, педагогик тажрибада иштирок этган аёллар ўрта жисмоний ривожланиш даражасига мос келиши билан, лекин функционал ҳолати баҳоланганда юракнинг қисқариш сони, қоннинг минутлик ҳажми (ҚМХ), Робинсон индекси (РИ) ва ўпканинг тириклик сифими (ЎТС) меъёрдан четланиши аниқланди. Масалан, юракнинг қисқариш сони (ЮҚС) меъёрида 70-76 мартаба уриши билан таърифланса, текширилаётган аёллар гуруҳида тинч ҳолатда юрак уриши 79,2±1,1 ва 80,6±1,3 тенг бўлиши аниқланди. Бу ҳолат кўпроқ тахикардия ҳолатига ўхшаш деб таъкидлаш лозим (2.жадвалга қаранг).

**Тажриба бошида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўрта ёшли
аёлларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлик ҳолати
кўрсаткичлари (n=30)**

Т/р	Кўрсаткичлар	ТГ	НГ	t	P
1.	Тана узунлиги, см	168,2±0,7	167,1±0,9	0,3	> 0,05
2.	Вазни, кг	72,4±0,6	73,7±0,8	0,8	> 0,05
3.	ЮҚС тинч ҳолатда	79,2±1,1	80,6±1,3	0,9	> 0,05
4.	АБ, мм. сим. уст. Систолик	122,4±12,3	120,3±11,4	0,7	> 0,05
5.	АБ, мм. сим. уст. Диастолик	71,8±8,2	69,8±7,9	1,1	> 0,05
6.	Чап кўл панжа ддинамометрияси, кг	22,3±0,9	21,5±0,4	1,2	> 0,05
7.	Ўнг кўл панжа ддинамометрияси, кг	23,4±0,7	22,6±0,8	0,9	> 0,05
8.	Штанге синови, сек	35,1±0,8	36,7±0,8	0,8	> 0,05
9.	Генча синови, сек	21,7±0,6	22,9±0,4	0,7	> 0,05
10.	ҚМХ, л/мин (қоннинг минутлик ҳажми)	3,87±0,61	3,7±0,44	2,6	< 0,05
11.	Робинсон индекси (РИ) ш.б.	100,7±2,8 паст даража	107±2,9 паст даража	0,8	> 0,05
12.	Ўпканинг тириклик сиғими, л	2,35±0,46	2,30±0,45	0,4	> 0,05

Изоҳ. 1: ТГ – тажриба гуруҳи, НГ-назорат гуруҳи.

Қоннинг минутлик ҳажми меъёрида 4,5 - 5 л/мин га тенг бўлиши аниқланган, лекин текширилаётган аёллар гуруҳларида бу кўрсаткич меъёрдан анча пастлиги кузатилди. Тажриба гуруҳида унинг кўрсаткичи 3,87±0,61 га тенг бўлса, назорат гуруҳида эса 3,7±0,44 га тенг.

Робинсон индексининг кўрсаткичи меъёрдан паст даражада эканлиги ҳам аниқланди. Унинг кўрсаткичлари назорат гуруҳида 107±2,9; тажриба гуруҳида эса 100,7±2,8 га тенг бўлиши кузатилди.

Маълумки, аёлларда ўпканинг тириклик сиғими (ЎТС) меъёрида 3-3,5 л. га тенг, биз текшираётган гуруҳларда эса ЎТС тажриба гуруҳида 2,35±0,46 бўлса, назорат гуруҳида эса 2,30±0,45 л га тенг. Маълумки, аёлларнинг тана узунлиги х20 кўпайтирилса ўпканинг тириклик сиғимининг (ЎТС) асл кўрсаткичини аниқлаш мумкин. Унда тажриба гуруҳидаги аёлларнинг асл ўпканинг тириклик сиғими (ЎТС) кўрсаткичи 3,36 л, назорат гуруҳида эса 3,34 л га тенг бўлиши лозим эди. Лекин олинган ўпканинг тириклик сиғими (ЎТС) кўрсаткичлари меъёрдан паст эканлиги аниқланди. Бу ҳолатни аёлларнинг ёши билан боғлаш мумкин, чунки ёш улғайган сари ўпканинг вентиляция хусусиятлари пасайиши кузатилади.

Тажриба ва назорат гуруҳлардан қоннинг минутлик ҳажми (ҚМХ) ва Робинсон индекси (РИ), ўпканинг тириклик сифими (ЎТС) меъёрдан анча паст даража билан баҳоланди.

Диссертациянинг “**Ўрта ёшдаги аёллар (35-45 ёш) билан соғломлаштириш машғулотида стретчинг машқлари ёрдамида турли йўналишдаги юктамаларнинг самарадорлиги**” деб номланган тўртинчи бобида машғулоти жараёнида ўрта ёшдаги аёлларнинг саломатлик ҳолатига стретчинг машқларини самарадорлиги, педагогик тажрибанинг таҳлили тўғрисидаги материаллар баён қилинган.

Стретчинг соғломлаштирувчи машғулотида технологияси машғулотида тузилиши, кетма-кетлиги ва ҳаракатлар зичлиги услубий омиллар асосида ишлаб чиқилган.

Дастлабки босқичда машғулоти олиб боришнинг асосий вазифасидан бири - аёллар организми, уларнинг кайфияти, юктамаларнинг таъсири ва бўғимларнинг жуда муҳим бўлимлари ҳаракатчанлигига машқларнинг таъсири.

Машғулотида давомийлиги-60 дақиқа.

Машғулотида биринчи қисми (5-10 дақиқа) организмнинг барча тизимларини аста-секинлик билан ишга тайёрлашга йўналтирилган.

Машғулотида иккинчи қисми (30-35 дақиқа) - ҳамма бўғимларга мўлжалланган стретчингнинг асосий машқлари мажмуаси.

Машғулотида учинчи қисми – бўшаштирувчи машқлар (5-10 дақиқа).

Тадқиқот натижалари таҳлили стретчинг машқларининг 35-45 ёшли аёллар жисмоний тайёргарлиги ва функционал ҳолатига таъсири аниқлаш имконини берди (3.жадвалга қаранг).

Тадқиқот гуруҳида бўйин-умуртқа поғонасининг ҳаракатчанлиги бошни чапга буришда 11^0 га, ўнгга буришда 14^0 га; назорат гуруҳида эса бошни чапга буришда 1^0 га, ўнгга буришда 2^0 га ошди.

Елка бўғимларининг ҳаракатчанлиги: тадқиқот гуруҳида елкани яқинлаштириш 10^0 , назорат гуруҳида 2^0 га; тадқиқот гуруҳида елкани узоқлаштириш 2^0 га ошди, назорат гуруҳида - 0^0 ташкил қилди.

Тос-сон бўғими ҳаракатчанлиги: тадқиқот гуруҳида чап оёқ 15^0 , ўнг оёқ 30^0 , кўндаланг 20^0 га ошди, назорат гуруҳида эса 5^0 , 0^0 , 5^0 га ошди.

Умуртқа поғонасининг ҳаракатчанлиги: тадқиқот гуруҳида олдинга эгилиш 20^0 , орқага эгилиш 10^0 га ошди, назорат гуруҳида эса 3^0 , 1^0 га ошди.

Кафт-билак ҳаракатчанлиги: тадқиқот гуруҳида кафт-билакни букиш 7^0 , ёзиш 12^0 га ошди, назорат гуруҳида кафт-билакни букиш 1^0 га ошди, ёзиш 0^0 ташкил қилди.

Болдир-панжа бўғими ҳаракатчанлиги: тадқиқот гуруҳида букиш 4^0 , ёзиш 10^0 га ошди; назорат гуруҳида букиш 1^0 , ёзиш 1^0 га ошди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, стретчинг машқларини қўллаш технологияси аёлларнинг жисмоний ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади ва бўғимлар ҳаракатчанлигини оширишда стретчинг машқларини қўллаш юқори самарага эга.

**Тажриба якунида ўрта ёшли аёлларда бўғимлар ҳаракатчанлиги
натижалари (n=30)**

Т/р	Бўғимлар	Ҳаракатлар	ТГ (ўртача натижалар)	НГ (ўртача натижалар)
1.	Бўйин-умуртқа поғонаси	Чапга бурилиш	$86^0 \pm 0,4^0$	$76^0 \pm 0,4^0$
2.		Ўнгга бурилиш	$84^0 \pm 0,6^0$	$72^0 \pm 0,6^0$
3.	Елка бўғимлари	Елкани яқинлаштириш	$110^0 \pm 5,6^0$	$102^0 \pm 5,6^0$
4.		Елкани узоқлаштириш	$12^0 \pm 0,8^0$	$10^0 \pm 0,8^0$
5.	Тос-сон бўғими (шпагат)	Чап оёқ	$110^0 \pm 12,4^0$	$100^0 \pm 12,4^0$
6.		Ўнг оёқ	$130^0 \pm 10,2^0$	$100^0 \pm 10,2^0$
7.		Кўндаланг	$120^0 \pm 8,6^0$	$105^0 \pm 8,6^0$
8.	Умуртқа поғонаси	Олдинга эгилиш	$67^0 \pm 6,8^0$	$50^0 \pm 6,8^0$
9.		Орқага эгилиш	$38^0 \pm 3,2^0$	$29^0 \pm 3,2^0$
10.	Кафт-билак бўғими	Букиш	$85^0 \pm 1,1^0$	$79^0 \pm 1,1^0$
11.		Ёзиш	$70^0 \pm 2,2^0$	$58^0 \pm 2,2^0$
12.	Болдир-панжа бўғими	Букиш	$19^0 \pm 1,6^0$	$16^0 \pm 2,6^0$
13.		Ёзиш	$44^0 \pm 2,6^0$	$35^0 \pm 4,6^0$

Изоҳ. 2: ТГ – тажриба гуруҳи, НГ-назорат гуруҳи.

Педагогик тажриба натижалари ва ўзгариш динамикаси шунинг кўрсатадики, стретчинг машғулотлари бўғимлар ҳаракатчанлигининг сусайишини олдини олишга, камҳаракатчан бўғимларга маҳаллий таъсир кўрсатиш ва ҳаракат потенциалини кенгайтиришга имконият яратади.

4.жадвалда тажриба ўртасида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўрта ёшли аёлларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлик ҳолати кўрсаткичлари келтирилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, тажриба гуруҳлари орасида ишончли статистик фарқлар аниқланди. Қоннинг минутлик ҳажми ишонарли даражада ошиши кузатилди ва унинг кўрсаткичи тажриба гуруҳида $3,87 \pm 0,61$ дан $4,7 \pm 0,9$ гача, назорат гуруҳида эса $3,7 \pm 0,44$ га кўтарилди.

Тажриба гуруҳидаги кўрсаткичларнинг меъёргача кўтарилишини мақсадга мувофиқ кўрсаткич деб ҳисоблаш мумкин. Робинсон индекси тажрибанинг бошида иккала гуруҳ аёлларида 100-107 шартли бирлик атрофида тебранган бўлса, тажрибанинг якунида тажриба гуруҳида $90,4 \pm 2,9$ га тенг, назорат гуруҳида эса $94 \pm 3,1$ гача кўтарилди. Бу ҳолатни ижобий ўзгариш деб таъкидлаш мумкин.

**Тажриба якунида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўрта ёшли
аёлларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлик ҳолати
кўрсаткичлари (n=30)**

Т/р	Кўрсаткичлар	ТГ	НГ	t	p
1.	Тана узунлиги, см	168,1±0,8	167,3±0,8	0,7	> 0,05
2.	Вазни, кг	68,3±0,2	73,1±0,6	2,4	< 0,05
3.	ЮҚС тинч ҳолатда	73,6±1,1	76,2±0,8	2,5	<0,05
4.	АБ мм.сим.уст. Систолик	118,2±8,4	121,4±0,6	1,7	> 0,05
5.	АБ мм.сим.уст. Диастолик	70,2±7,9	70,7±6,8	0,8	> 0,05
6.	Чап қўл панжа динамометрияси	36,2±1,2	23,4±2,6	2,6	< 0,05
7.	Ўнг қўл панжа динамометрияси	38,4±1,8	24,5±1,4	2,5	<0,05
8.	Штанге синови, сек	44,2±1,7	36,4±0,9	2,4	< 0,05
9.	Генча синови, сек	32,4±1,3	23,9±0,7	2,5	< 0,05
10.	Қоннинг минутлик ҳажми (ҚМХ)	4,7±0,9	4,2±0,5	2,4	< 0,05
11.	Робинсон индекси шартли бирлик (РИ) ш.б.	90,4±2,9 ўртача	94±3,1 ўртадан паст	0,9	< 0,05
12.	Ўпканинг тириклик сиғими	3,0 ±0,44	2,7±0,40	2,4	<0,05

Изоҳ. 3: ТГ – тажриба гуруҳи, НГ-назорат гуруҳи

Тажрибанинг бошида ўпканинг тириклик сиғими (ЎТС) меъёрдан анча пастлиги аниқланди, 10 ой давомида ўтказилган машқланиш жараёнидан сўнг тажриба гуруҳида унинг кўрсаткичи $3,0 \pm 0,44$ га кўтарилди. Бу кўрсаткич ҳам меъёрга жавоб беради. Юракнинг қисқариш сони ҳам тажриба якунида меъерий кўрсаткичларга тушиши билан ифодаланди.

Текширилаётган тажриба гуруҳида юрак қисқариш сони (ЮҚС) - $73,6 \pm 1,1$ зарбага тенг бўлса, назорат гуруҳида эса $76,2 \pm 0,8$ зарбага тенг бўлди. Кўрсатилган кардиореспиратор тизимнинг кўрсаткичлари одам организмининг энг муҳим кўрсаткичи бўлиб, улар нафақат жисмоний ишчанлик, балки саломатлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

Тажриба гуруҳида чап қўл панжа динамометрияси $29,4 \pm 1,1$ кг ни, назорат гуруҳида эса $22,3 \pm 1,5$ кг ни ташкил этди ($P < 0,05$). Ўнг қўл панжа динамометрияси мос равишда $30,5 \pm 1,2$ ва $23,4 \pm 0,4$ кг ни ташкил қилди

($P < 0,05$). Генча синови тажриба гуруҳида $27,5 \pm 0,9$ сонияга, назорат гуруҳида $23,4 \pm 0,6$ сонияга тенг бўлди ($P < 0,05$). Қолган кўрсаткичларда ҳам бу кичик фарқларни кузатдик, лекин улар статистик ишончли бўлмади. Жисмоний ривожланиш ва саломатлик ҳолати ўзгариши динамикасини таҳлил қила туриб, ишлаб чиқилган услубиятнинг ва турли хил стретчинг машқларидан фойдаланишнинг аёллар организмига ижобий таъсир қилиши аниқланди.

Маълумотлар таҳлили 4. жадвалдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган услубият бўйича 10 ойлик тажриба натижасида жисмоний ривожланишнинг сезиларли яхшиланиши кузатилди, бу тажриба гуруҳидаги аёлларда статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзаришлар билан тасдиқланади. Тана вазнининг камайиши $72,4 \pm 0,6$ кг дан $68,3 \pm 0,2$ кг ($P < 0,05$) гача, тинч ҳолатда юрак уриш тезлиги эса $79,2 \pm 1,1$ дан $74,6 \pm 1,1$ гача ($P < 0,05$) пасайиши кузатилди. Чап қўл панжа динамометрияси кўрсаткичларида катта ўзгаришлар кузатилади - $22,3 \pm 0,8$ ва $36,2 \pm 1,2$ ($P < 0,05$).

Ўнг қўл панжа динамометрияси кўрсаткичларида ҳам муҳим ўзгаришлар аниқланди - $23,4 \pm 1,2$ ва $38,4 \pm 1,6$ ($P < 0,05$). Биз шундай ўзгаришларни нафас олиш тестларида ҳам кузатдик: Штанге синови бўйича кўрсаткичлар дастлабки $35,1 \pm 0,8$ сониядан, $44,2 \pm 1,7$ сониягача ($P < 0,05$) ва Генча синовида $21,7 \pm 0,6$ сониядан $32,4 \pm 1,3$ сониягача ($P < 0,05$) яхшиланди. Шундай қилиб, биз тажриба гуруҳида тўққизта кўрсаткичдан олтитасида ижобий ўзгаришларни кузатдик. Чап ва ўнг қўл динамометриясида сезиларли ўзгаришлар кузатилади. Бундан ташқари, Штанге ва Генча синовида нафасга бўлган тестларни ҳам кўриб чиқдик. Шундай қилиб, тажриба гуруҳида ўн иккита кўрсаткичдан олтитасида ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Шундай қилиб, илмий-услубий адабиётлар ва илмий тадқиқотларимизни таҳлил қилиш асосида ўрта ёшдаги аёлларнинг ўқув-машғулот жараёнида турли хил стретчинг машқларини қўллаш услубиятини таклиф қилдик. Тадқиқотимиздан келиб чиқиб, ушбу шуғулланувчилар контингенти учун машқлар таклиф этилди.

Ўн ойлик педагогик тажриба давомида биз томонимиздан ишлаб чиқилган турли хил стретчинг машқларини қўллаш услубияти бўйича ўтказилган мунтазам машғулотлар натижасида аёлларнинг жисмоний ҳолати кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди. Куйидаги жадвалларда ишлаб чиқилган услубиятнинг аёллар жисмоний ривожланишининг алоҳида кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш имконини берувчи кўрсаткичлар келтирилган (5.жадвалга қаранг).

Кейинги назорат меъёри шуғулланувчиларда эгилувчанлик ҳолатини ифода этди: оёқларни бирлаштириб ўтириб олдинга эгилиш (см). Тажриба бошида тажриба гуруҳида $3,1 \pm 0,6$ см., тажриба якунида эса $7,4 \pm 1,2$ см.га тенг бўлди ($P < 0,05$). Бу шундан далолат берадики, стретчинг машқларидан фойдаланиш услуби умуртқа поғонаси эгилувчанлигига ижобий таъсир қилган. Назорат гуруҳида ҳам аёлларнинг жисмоний тайёргарликлари кўрсаткичлари яхшиланиши кузатилди, лекин статистик ишончли фарқлар аниқланмади.

Тажриба якунида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўрта ёшли аёлларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари (n=30)

Т/р	Назорат меъёрлари	ТГ	НГ	t	P
